

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ҳисоб китобларга кўра, жорий 2022 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини соҳа бўйича **27,6 трлн сўмга**, шу жумладан Уюшма бўйича **10,5 трлн сўмга** етказиш ва **110 фоизга** ўсишни таъминлаш режалаштирилган.

Жумладан, жорий йилда **17,6 млн тонна** цемент, **32 млн кв метр** қурилиш ойнаси, **24 млн кв метр** керамик плитка, **73 млн кв метр** гипсокартон, **3 млн ўрам** гулқоғоз каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2022 йилда умумий қиймати **950 млрд сўмлик** **17 та** лойиха бўйича қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва шунинг ҳисобига импорт ҳажми **86 млн долларга** қисқартириш режалаштирилган.

Хусусан, **207,6 млрд сўмлик** керамик плита ва керамогранит, **208 млрд сўмлик** безакли ва флоат-ойна, **93,4 млрд сўмлик** гулқоғоз, **60 млрд сўмлик** газобетон блоклари, **15,6 млрд сўмлик** санитар-техник буюмлар ва шу каби бошқа турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, импорт ҳажмини ўтган йилга нисбатан **20 фоизга** ёки **200 млн долларга** пасайтириш мақсад қилинганди.

Энг муҳими, 2022 йилда инвестиция йўналиши бўйича ҳам изчил ишлар амалга оширилади. Хусусан, тармоқ бўйича жами **1 млрд 400 млн долларлик**, шу жумладан **1 млрд 160 млн долларлик** тўғридан-тўғри хорижий **инвестицияларни** ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Шундан, Уюшма бўйича Инвестиция дастурига асосан **369,4 млн долларлик** **12 та** лойини ишга тушириш ва **1035 та** янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

**Шу билан бирга** 2022 йилда **600 млн долларлик**, жумладан, **461 минг тонна** цемент (20 млн доллар), **80 млн долларлик** ПВХ профил, труба ва пластмасса маҳсулотлар, **30 млн долларлик** Қуруқ қурилиш қоришмалари ва цемент маҳсулотлари, **15 млн долларлик** қурилиш хизматлари ва бошқа турдаги қурилиш материаллари экспорти амалга оширилади.

Цемент ишлаб чиқариш йўналиши бўйича маълумот берадиган бўлсак, Республика бўйича 2021 йилда жами цемент ишлаб чиқариш ҳажми **14,2 млн тоннани** ташкил этиб, ўтган 2020 йилга нисбатан 13 фоизга ўсиш таъминланди.

2022 йилда йиллик қуввати **2,25 млн.** тоннага тенг **3 та** янги цемент ишлаб чиқариш заводлари Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида ишга туширилади. Ҳозирги кунда республика бўйича цемент ишлаб чиқариш қувватлари **21,3 млн.тоннани** ташкил этади.

2022 йилда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилишига ўртacha биржa котировка нархларида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича **227 минг тонна** цемент харид қилинган.

Эътиборлиси, 2021 йилда **128,3 млн доллар, 2,7 млл тонна** цемент импорт қилинган бўлиб, 2020 йилга нисбатан **2 фоизга (130,8 млн. доллар)** камайган.

Яна бир маълумот, 1-чоракда биржa савдоларида бир тонна портланд цемент ўртacha **555 минг ҚҚС билан** сўмдан сотилган.

2022 йилнинг 2 ойлигида **6,4 млн. долларлик 410 минг тонна** цемент экспорт қилинди. Биржa савдолари орқали **1 млн 355 минг** тонна цемент сотилиши таъминланди.

Маълумот учун: 1-чорақда табиий газ танқислиги кузатилди ва 2022 йилнинг 31 март ҳолатига кўра, 1 тонна цементнинг ўртacha нархи **583 минг** сўмни ташкил этди.

2022 йилда "Қизилқумцемент" АЖ томонидан умумий қиймати **137 млн доллар** бўлган йиллик қуввати **1 млн 800 тонна** клинкер ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, "Эко цемент" МЧЖ, "Намангандемент" МЧЖ (II-босқич), "Қарши конч цемент" МЧЖ, "Шаффоф цемент саноати" МЧЖ ва Factory cement" МЧЖда (I-босқич) каби цемент лойиҳалари ўз фаолиятини бошлайди.

2022-2023 йилларда цемент ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига кўра Андижон вилоятида 2 та, Жиззах вилоятида 1 та, Қашқадарё вилоятида 1 та, Навоий вилоятида 1 та, Намангандемент вилоятида 2 та, Самарқандда 2 та, Тошкент вилоятида 1 та, Фарғона вилоятида эса 2 та янги цемент заводлари барпо этиш режалаштирилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жорий йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-139-сонли “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2022 йил 1 марта бошлаб барча юридик шахсларга цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат берилади. Шунингдек, 2024 йил 1 январга кадар Экспортни ривожлантириш агентлиги томонидан маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакилларига) қурилиш материалларини барча мамлакатларга, шу жумладан чегарадош давлатларга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш ҳаражатларининг 50 фоизигача миқдорини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

Тахлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, **2016 йил** якуни билан Республикаизда **8,6 млн тонна** цемент ишлаб чиқарилган. **2021 йилда** эса бу кўрсаткич хурматли Президентимиз томонларидан қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш, соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, қабул қилинганд қарорлар натижасида **14,2 млн тоннага** етказилди. Йиллик ишлаб чиқариш қувватлари эса **21,3 млн тоннани** ташкил этди. Шу жумладан мамлакатимизда юқори маркали цемент ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.